

**Махсулот етказиб бериш бўйича « 133 » -сонли  
Шартнома**

«01» июнь 2022 йил

Наманган шаҳар

Бизларким, куйида имзо чекувчилар бир томондан «Намангандонмахсулотлари» АЖ номидан жамият Бошқаруви раиси А.Махмудов келгусида «Сотиб олувчи» деб юритилади, иккинчи томондан "PURE TRADE 21" МСНҲ раҳбари Исламов Салоҳиддин Мусаевич кейинги уринларда «Махсулот етказиб берувчи» деб юритилади ушбу шартномани куйидаги мазмунда туздик:

**1.Шартноманинг мазмуни**

5. «Махсулот етказиб берувчи» 31.05.2022 йил кунги №91192-сонли электрон лотда биржада ғолиб чиқиб, куйидаги товарларни «Сотиб олувчи» га етказиб бериш мажбуриятини олади.

т/р	Махсулот номи	УЛ.БИР	Миқдори	Сумма жами ҚҚС билан
1	Подсолнечное масло	кг	559	15 698 956
2	Морковь	кг	1261	4 017 546
3	Лук	кг	1261	4 538 339
4	Горох простой	кг	557	13 440 967
5	Мясо говяжье	кг	1113	91 725 565
6	Соль пищевая	кг	74	139 712
7	Зелёный чай	кг	45	1 274 400
8	Картошка	кг	371	1 576 008
9	Томатная паста	кг	37	895 030
10	Болгарский перец	кг	111	3 536 460
	Жами			136 842 983

1.1 Шартноманинг умумий қиймати (Бир юз ўттиз олти миллион саккиз юз қирқ икки минг тўққиз юз саксон уч) сўм.

**2. Томонларнинг мажбуриятлари ва ҳуқуқлари**

2. «Махсулот етказиб берувчи» ўз зиммасига шартноманинг 1-бандида кўрсатилган товар (ёки махсулотлар)ни ўн иш кунида етказиб бериш мажбуриятини олади:

- махсулотларни етказиб бериш хизматини ўз хисобидан ўзининг транспортида амалга оширади.

- махсулотларни шартноманинг 1-бандида кўрсатилган рўйхат бўйича ва ўз вақтида сифатли барча стандартларга мувофиқлигини, яроқли эканлигини қафолатлаган ҳолда топширади.

- махсулотни сифатсизлиги ёки ишлатишга яроқсизлиги аниқланганда ва етказиб берилган ҳолларда махсулот бажарувчига қайтарилади, ёки «Махсулот етказиб берувчи» томонидан келтирилаган товар (ёки махсулотлар)ни тўлиқ зарарини қоалайли.

2.1 «Сотиб олувчи» ўз зиммасига куйидаги мажбуриятларни олади:

- «Махсулот етказиб берувчи»нинг етказиб берган товар (ёки махсулотлар)га шартноманинг 1-бандига асосан пул утказиш йули билан ҳақ тулайди.

2.2 Етказиб берилган товар (ёки махсулотлар)ни «Махсулот етказиб берувчи»нинг вакили иштирокида текшириб қабул қилиб олади.

2.3 Ушбу шартномада кузда тутилмаган бошқа барча ҳолларда ёки шартнома юзасидан келиши мумкин бўлган низо-келишмовчиликларни ҳал этишда томонлар Ўзбекистон Республикасининг амалдаги иқтисодий-процессуал ва фуқаролик қонунчилигидан фойдаланадилар.

2.4 Шартнома муддати тузилган кундан бошлаб шартномадаги мажбуриятларни томонлар тўлиқ бажармагунча ёки 2022 йилни 31 декабрь кунигача амал қилади.

2.5 Шартнома бир хил кучга эга бўлган икки нусхада тузилди ва томонларда бир нусхадан сақланади.

### **3. Томонларнинг жавобгарлиги ва низоларни ҳал қилиш тартиби**

3.1 Товарларни етказиб бериш муддатлари кечиктириб юборилган ёки тулик етказиб берилмаган ҳолларда «Маҳсулот етказиб берувчи» «Сотиб олувчи»га кечиктирилган ҳар бир кун учун шартнома қийматининг 0,4 фоизи миқдорида жарима (пеня) тулайди, бироқ бунда жариманинг жами микори шартнома қийматининг 50 (эллик) фоиздан ошиб кетмаслиги лозим. Туланган жарима шартнома мажбуриятларини бузган томонни товарларни етказиб бериш муддатини кечиктириш ёки тулик етказиб бермаслик ақибаотида етган зарарни қоплашдан озод этмайди.

3.2. Етказиб берилган товарларнинг ассортименти ва сифати мавжуд стандартлар, техник шартлар ва намуналарга (эталонларга) ҳамда қонун ҳужжатларида ёки ушбу шартномада белгиланган бошқа мажбурий шартларга мос келмаса, «Сотиб олувчи» товарларни қабул қилиш ҳамда уларнинг ҳақини тулашни рад этиб, «Маҳсулот етказиб берувчи»дан ассортименти ва сифати курсатилган даражада бўлмаган товарлар қийматининг 20 (йигирма) фоизи миқдорида жарима ундириб олишга, агар товарларнинг ҳақи тўлаб қуйилган бўлса, белгиланган тартибда туланган қийматни қайтаришни талаб қилишга ҳақлидир. Ассортименти ва сифати курсатилган даражада бўлмаган товарларни етказиб берганлик учун «Маҳсулот етказиб берувчи»дан ақцептсиз тартибда жарима ундириб олинади.

3.3. «Сотиб олувчи» етказиб берилган товарлар ҳақини ўз вақтида туламаганлиги учун «Маҳсулот етказиб берувчи»га утказиб юборилган ҳар бир кун учун кечиктирилган тулов қийматининг 0,4 фоизи миқдорида, аммо шартнома қийматининг 50 (эллик) фоиздан ортиқ бўлмаган миқдорида жарима тулайди.

3.4. Томонларнинг жавобгарлик ҳолатлари Ўзбекистон Республикасининг «Хужалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тугрисида»ги Қону ҳамда, Фуқаролик кодексининг 437-456-моддалари, 670-1-сонли Қонун талаблари ва Ўзбекистон Республикасининг амалдаги бошқа қонунчилиги юзасидан жавобгарликка тортиладилар.

3.5 Ушбу шартнома буйича ёки у билан боғлиқ ҳолда тарафлар уртасида келиб чиқадиган барча низолар ёзма талабнома билдириш йули билан, белгиланган тартибда ҳал этилади.

3.6 Билдирилган талабномага қонунда белгиланган 15 (ун беш) кун муддат ичида жавоб олинмаган ёки талаблар қаноатлантирилмаган тақдирда, узини ҳуқуқи поймол қилинган деб ҳисобловчи томон низони ҳал қилиш учун даъво аризаси билан судга мурожат қилишга ҳақли.

### **4. ФОРС-МАЖОР**

5.1. Тарафлардан бири шартномани форс-мажор ҳолатлар, яъни енгиб бўлмайдиган куч (фавқулотда ва муайян шароитларда олдини олиб бўлмайдиган вазиятлар(зилзила, сув тошқини, ёнғин, сел ва бошқа табиий офатлар) туфайли бажармаган ёки лозим даражада бажармаганлигини исботласа, жавобгар бўлмайди.

5.2 Ушбу шартнома шартларини бажаришга тўсқинлик қилувчи форс-мажор ҳолатнинг бошланиши ва тугаши тўғрисида томонлар зудлик билан бир-бирларини ёзма равишда хабардор қилишлари шарт.

## 5. ЯКУНЛОВЧИ ҚОИДАЛАР

5.1. Шартнома тарафларнинг келишуви билан қўшимча ва ўзгартиришлар киритилиши ва бекор қилиниши мумкин. Шартномага ҳар қандай ўзгартириш ва қўшимчалар ва бекор қилишга оид ишлар ёзма шаклда тузилади.

4.2. Шартнома тарафлар имзолаган кундан эътиборан кучга киради ва улар ўз мажбуриятларини тўлиқ бажаргунигача қадар амал қилади.

4.3. Шартнома икки нусхада тузилади ҳамда тарафларнинг ҳар бирида сақланади.

4.4. Мазкур шартнома билан тартибга солинмаган масалалар Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси ва бошқа қонун ҳужжатлари билан тартибга солинади.

### Томонлар юридик манзилгоҳлари:


«Сотиб олувчи»

“Намангандонмахсулотлари” АЖ  
Наманган ш, Темирйул кучаси, 5 уй  
Х/Р: 202010000300208345001  
АТБ «Агробанк» Давлатобод булими  
МФО: 00259 ИНН: 200048234

«Махсулот етказиб берувчи»»

“PURE TRADE 21” МСНҲ  
Наманган ш. А.Навоий 69  
Х/Р 20208000405375408001  
Капитал банк Наманган филиали  
МФО: 01085 ИНН: 308392852  
Тел: \_\_\_\_\_

Рахбар \_\_\_\_\_ А.Махмудов



Рахбар \_\_\_\_\_ С.Исламов

